БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 286 (18.164). • 11 декабрь 1981 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

ПЛАН ИНТИЗОМИ — МУҚАДДАС!

Ўн биринчи беш йилликнинг ғалабаларга тўлиқ дастлабки муваффақиятли йили ўтиб бормоқда. Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳ..анган совет кишилари халқ хўжалигини тобора юксалтириш, экономиканинг тежамли бўлишини таъминлаш, халқ турмуши фаровонлигини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида зўр шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Шунисн қувончлики, съездлар йилининг ҳар бир кунини ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш билан нишонлаш, план топшириқларини сўзсиз ортиғи билан адо этиш — ишчи коллективларининг жанговар шиорига айланган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: «План тасдиқлангандан кейин ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг қонуни бўлиб қолади, бас, шундай экан, ишчидан тортиб министргача — ҳамма планни қонун деб, партия ва давлатнинг жуда муҳим ҳужжати деб, билиб, шунга яраша муносабатда бўлишга мажбур». Пленум кўрсатмалари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари республикамизда ҳам чуқур ўрганилди, бундан кейинги ҳаракат программаси сифатида қабул қилинди. Тажриба план интизомини мустаҳкамлаш масалалари билан ахён-ахёнда эмас, балки ҳар кўни, ҳар соат мунтазам шуғулланилаётган, мусобақадошларнинг диққат-эътибори, куч-ғайрати ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат унумдорлигини кўтаришга сафарбар этилган жойлардагина белгиланган топшириқлар ҳамда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилишини кўрсатяпти. Планларнинг адо этилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, барча партиявий-сиёсий, оммавий-ташкилий ишларни саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективларининг меҳнат активлигини жўш урдиришга қаратаётган партия комитетлари фаолияти мақтовга сазовордир. Йилнинг ўтган ўн бир ойидаги иш якунлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республика халқ хўжалиги умуман олганда, муваффақиятли ривожланмоқда. Январь-ноябрь ойлари мобайнида саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, буюмларнинг энг муҳим турларини тайёрлаш топшириқлари бажарилди. Ишчи коллективларининг фидокорона меҳнати туфайли халқ хўжалигига кўплаб табиий газ, кўмир, азот ўғитлари, қора металлар прокати, электр ва иссиқлик энергияси, пахта териш машиналари, устки ва ички трикотаж, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, пойабзал сингари моллар етказиб берилди. Пландан ташқари 289 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Умумий фойдаланишдаги транспортда юкларни ташиш планини знёда қилиб ўринлатилди. Саноатда маҳсулотларнинг сифати тобора яхшиланиб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Ўтган ойлар ичида 757 хил буюм давлат Сифат белгисини олиш учун аттестацияга тақдим этилгани ва қайтадан аттестациядан ўтказилганлиги фикримизга яққол далилдир.

Кўли гул бинокорлар ва монтажчилар ҳам ҳамманн мамнун этишаётир. Улар КПСС XXVI съездининг ўн биринчи беш йиллик капитал қурилиш соҳасида жиддий имтиҳонга айланиши керак, деган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ишлаб, муваффақиятларни кўпайтирмоқдалар. Ўн бир ой мобайнида 3950 миллион сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагидан 10 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилганлиги, 2780 миллион сўмлик фондлар ишга туширилганлиги шундан далолат. Буларнинг ҳаммаси республика бўйича 1981 йил планлари ўрнига қўйилишидан дарак бермоқда.

Пухта, бир маромда ишлашни ташкил этишда, план интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, план топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашда мумкин ва зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси қилинди, деб айтиш қийин. Баъзи ерларда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш планларини бажармаётган корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари раҳбарларига нисбатан талабчанлик бўшаштириб юбориляпти. Шунинг оқибатида баъзи ишчи коллективларида ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пасайиб, 164 миллион сўмлик маҳсулот кам олинди. Бу нарса, айниқса, республика Бинокорлик материаллари саноати, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари, Пахта тозалаш саноати министрликлари корхоналарида яққол сезилмоқда Ачинарлиси шундаки, айрим министрликлар ва идоралар ўзларига қарашли баъзи корхоналарнинг планларни сурункасига бажармаётганлигига тоқат қилиб келмоқдалар. Ўтган даврда Қўқон ва Ильич бинокорлик материаллари заводлари, Термиз ғишт заводлари бошқармаси 8 марта, Бектемир темир-бетон буюмлари, Фарғона шиша идишлар, Қарши зовур қувурлари заводлари олти марта ойлик планларини барбод қилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари план интизомини мунтазам равишда бузиб келаётган корхоналар раҳбарларининг фаолиятига принципиал, партиявий баҳо беришлари керак.

Йиллик план ҳажмида асосий фондларни фойдаланишга топширишда ҳам бирмунча қолоқликка йўл қўйилмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Автомобиль транспорти министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети, Қашқадарё области ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ўзларига қарашли қурилиш объектларидаги ишларни тезлаштиришларн лозим. Вазифа — декабрь ойида 1 миллиард 700 миллион сўмликдан кўп асосий фондларни ишга туширишдан, бунинг учун ишни омилкорлик билан ташкил этиш, энг қисқа муддатларда етишмаётган ҳамма ускуналар ва материалларни етказиб бериш, мусобақадошларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Йил тугашига оз вақт қолди. Аммо йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни тугатиш учун у етарли. Йиллик планни бажариш ва ортиғи билан адо этиш — ишчилар ва хизматчиларнинг, хўжалик раҳбарларининг ишчанлиги ва сиёсий етуклигига, уларнинг янгичасига ишлаш маҳоратига, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришга ўтказишни таъминлашларига, самарадорлик ва сифатни оширишни жадаллаштиришларга бериладиган баҳонинг асосий мезонидир. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан биргаликда планларнинг сўзсиз, белгиланган ассортиментлар бўйича аниқ бажарилишини таъминлаш учун ички резервлар ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишлари, тежамкорлик, ускуналар қувватидан оқилона фойдаланиш борасида тўпланган тажрибаларни кенг ёйишлари, қолоқларнинг илғорларга тенглашишлари учун имконият яратишлари керак.

Шубҳа йўқки, бу вазифаларнинг ҳал этилиши йилни муваффақиятли якунлаш, 1982 йилда ва беш йиллиқнинг қолган йилларида яхши ишлаш учун мустаҳкам замин ҳозирлаш, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳаракатига конкрет ҳисса қўшишни таъминлайди.



Ғиждувон районидаги «Зарафшон» колхози бу йил пахтадан мўл ҳосил кўтарди. Шу кунларда колхоз миришкорлари кузги-қишки ишларни авж олдиришяпти. 20 та трактор далаларни сифатли шудгор қиляпти. Суратда: тракторчи Фазлиддин Тўраев. У ҳаммаси бўлиб 180 гектар майдонни шудгор қилишга аҳд қилган. Пастдаги суратда эса шудгорлаш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг борыши тўғрисида шу йил 10 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0
ҚҚАССР	0,4	96,8
Жиззах	1,8	95,3
Сирдарё	1,5	93,8
Наманган	3,6	87,2
Фарғона	4,8	77,3
Андижон	4,8	68,3
Қашқадарё	3,6	55,3
Хоразм	0,7	53,6
Бухоро	3,0	46,4
Самарқанд	1,1	38,4
Сурхондарё	4,4	38,2
Республика бўйича:	2,7	70,1

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

Республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг қоллективлари ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш, қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун мусобақалашиб, шу йилнинг 11 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп капитал маблағни ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Шу вакт ичида 2205 минг квадрат метр уй-жой, 91748 ўринли мактаблар ва 350 ўринли ҳунар-техника билим юртлари, 21655 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 2880 ўринли касалхоналар, 4075 нафар бемор қатнайдиган поликлиникалар қурилиб, фойдаланишга топширилди, янгидан суғориладиган 59,3 минг гектар ер ўзлаштирилди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш қувватлари, шу жумладан Муборакда газни қайта ишлаш комплекси, Косонда ёғ-экстракция заводи, Наманган химия заводи, Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларининг бир қанча филиаллари, Чирчиқда сут заводи ишга туширилиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Муборак газни қайта ишлаш комплекси муддатидан илгари ишга туширилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қурилиш қатнашчиларини самимий табриклади.

Республикадаги асосий қурилиш министрликлари ва идоралари январь-ноябрь ойларида пудрат ишлари планини қандай бажарганликларини қуйидаги кўрсаткичлардан кўриш мумкин (процент ҳисобида):

(Биринчи устун — реализация қилинган тайёр товар қурилиш маҳсулоти: иккинчи устун — қурилиш-монтаж ишлари ҳисоб ҳажмининг бажарилиши; учинчи устун — 1981 йилнинг январь-ноябрь ойларида 1980 йилнинг январь-ноябрь ойларига нисбатан)

Қурилиш министрлиги	49	101	107
Қишлоқ қурилиши министрлиги	59	102	113
Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	86	107	106
«Главташкентстрой»	73	100	102
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	82	118	111
Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети	83	112	109
Автомобиль йўллар қурилиши ва фойдаланиш министрлиги «Главсредазирсовхозстрой»	92	115	110
(Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	80	104	105
«Ўзколхозстрой»	79	106	103

Барча асосий министрликлар ва идоралар қурилиш-монтаж ишлари ҳисоб ҳажми бўйича 11 ойлик планни бажардилар ва белгиланган ўсиш суръатларини таъминладилар. Йил охиригача йигирма кун қолди, лекин ишга туширилган, лекин ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишларда уларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган графикдан орқада қолиш ҳоллари бор, шу жумладан Фарғона шаҳридаги аммиак ишлаб чиқариш, Олмалиқ шаҳридаги олтингўғурт кислотаси ишлаб чиқариш комплексида, Олмалиқ конметеллургия комбинатидаги мис саралаш фабрикаси секциясида ва Қалмоққир конида, Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида, Жиззах аккумулятор заводида шундай аҳвол юз бермоқда.

Ҳозир ишга туширилаётган қурилишларда энг масъулиятли палла бошланди. Қурувчилар ва монтажчилар пардозлаш ва ободонлаштириш ишларини тезроқ тугаллашлари, машина-ускуналарни комплекс синаб кўришлари, объектларни ишчилар ва давлат комиссияларининг актлари асосида топширишлари лозим.

Буюртмачи министрликлар ва идоралар ишга туширилаётган қувватлар ва объектларни ишлатувчи малакали ходимлар ва инженер-техник кадрлар билан таъминлашни тезроқ тугаллашлари, машина-ускуналар ва инженерлик коммуникациялари системаларини ишга тушириш ва созлаш ишига уларни жалб этишлари лозим.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги қурилиш штаблари, қурилишлар ва корхоналарнинг партия ташкилотлари ишга туширилаётган объектлар устидан контролликни кучайтиришлари, ижрочилик ҳужжатларини тайёрлашни ташкил этишга, шунингдек ишчи ва давлат комиссияларининг фаолиятига алоҳида эътибор беришлари, ишга туширишдаврининг якунловчи босқичидаги барча масалаларни оператив ҳал қилишда уларга зарур ёрдам беришлари лозим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

Қорақалпоғистон автоном республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия аграр сиёсати масалаларига доир йўл-йўриқларига амал қилиб, ноқулай иқлим шароитлари вужудга келтирган бу йилги қийинчиликларни зўр ғайрат билан бартараф этиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар ва унинг йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиб, ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йили пахта тайёрлаш планини 9 декабрь куни бажардилар.

Ватанинг улкан хирмонига қариб 396 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. 253 минг тоннадан знёд пахта ёки тайёрланган пахтанинг 64 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30,3 центнер пахта териб олинди.

Автоном республикадаги ҳамма районлар, колхоз ва совхозлар пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Пахта тайёрлаш планини 100—110 процент бажарган Нукус, Хўжайли, Кегайли, Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа, Чимбой, Қораўзак, Шуманай, Ленинобод, Амударё районларининг пахтакорлари энг яхши натижаларга эришдилар.

Бу муваффақиятга автоном республика пахтакорлари, меҳанизаторлари, колхоз, совхоз раҳбарлари ва мутахассислари, қишлоқ хўжалик, сув хўжалиги, тайёрлаш ҳамда транспорт органлари ходимлари, барча меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасида эришилди.

Беруний районидаги хўжаликлар ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 38 центнердан, Элликқалъа ва Амударё районлари 37 центнердан, Хўжайли районн 35 центнердан, Тўрткўл районн 32 центнердан пахта йиғиштириб олдилар.

Хўжайли районидаги Ленин номли, Амударё районидаги Тельман номли ва «Партия XX съезди», Тўрткўл районидаги «Коммунизм» ва «Ленин йўли», Беруний районидаги Навоий номли ва Маҳтумқули номли, Элликқалъа районидаги «Қирқизобод» колхозларининг пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллиқ ҳажмини олдингилар қаторида бажардилар, ҳар гектар ердан 45—57 центкердан ҳосил олдилар.

Мўл ҳосил миришкорлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Тўхтаой Еқубова ва «Совет Ўзбекистони» колхозидан Матназар Машарипов, Беруний районидаги Маҳтумқули номли колхозидан Зарриф Қаландаров, «Правда» колхозидан Ўгилжон Отамуротова, Навоий номли колхозидан Карим Романов, Амударё районидаги Крупская номли колхозидан Қозоқ Камолов, «Партия XX съезди» колхозидан Избостн Тулегенов, Элликқалъа районидаги «Қирқизобод» колхозидан Саъдулла Қиличев, Хўжайли районидаги Ленин номли совхозидан Ота Алмнев, «Коммунизм» колхозидан Саги Дербисалиев, шунингдек Гагарин номли совхозидан Бексулув Заримбетова, Калинин номли совхозидан Давлатбой Полвониёзов, М. Жуманазаров номли совхозидан Жумагул Қаипбергенова, Куйбишев номли совхозидан Узоқберген Пирлепетов бошлиқ бригадаларининг коллективлари ва кўпгина бошқа коллективлар ҳар гектар ердан 50—60 центнердан хирмон кўтардилар.

Саноат корхоналари ва қурилишларнинг ходимлари, шаҳарлар ва район марказларининг аҳолиси, студентлар ва ўқувчилар — автоном республиканинг барча меҳнаткашлари ҳосил йиғим-теримида катта ёрдам бердилар.

Колхоз ва совхозлар дон, шу жумладан шоли, сабзавот, картошка, полиз экинлари, хўл мева, узум, пилла, жун, тухум, қоракўл тери тайёрлаш планларини ҳам ошириб бажардилар. Сут ва гўшт тайёрлаш ўтган йилдагидан илдам олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш билан бир қаторда келгуси йил ҳосили учун ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини янада кўпайтиришни таъминлаш мақсадида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма жойда кузги-қишки ишлар авж олдириб юборилди.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Қорақалпоғистон АССР — область партия комитетининг секретари ўртоқ Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Рзаев, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Юсупов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги министри ўртоқ Курбонов, «Главсредазирсовхозстройга қарашли «Кирккизсовхозводстрой» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Урунов, «Заготхлопкопром» Қорақалпоғистон бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Худойбергенов, Қорақалпоғистон АССР «Госкомсельхозтехника» раиси ўртоқ Дошчанов, сув хўжалиги Амударё дельта ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жамонқораев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Авезов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Тўғизбоев;

Шуманай райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Шарипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нажимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Елтезеров, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Отаниёзов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нураев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳакимниёзова, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Сарсенбоев;

Жалолқудуқ райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Топволдиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Охунов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сидиқов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Лукьянов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эралиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шарипова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ашурбоев.

ВИЗИТ ТУГАДИ

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов бугун Будапештдан Москвага жўнаб кетди. У ВСИП Марказий Комитети ва Венгрия ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Венгрия Халқ Республикасида бўлган эди.

СССР ва ВХР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Н. А. Тихоновни ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, саноат министри Л. Мехеш, ВСИП Марказий Комитетининг секретари А. Денеш, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Я. Павлов ва ВХРнинг СССРдаги элчиси М. Сюреш бор эди.

Аэродромнинг учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди. СССР ва ВХР ҳукуматларининг бошлиқлари жангчилар сафи олдидан ўтдилар. Икки мамлакат давлат гимнлари ижро этилди.

Н. А. Тихоновнинг сафарида унга ҳамроҳлик қилган совет расмий кишилари у билан бирга жўнаб кетдилар.

* * *

Н. А. Тихонов шу куни Москвага етиб келди.

Внуково аэродромида уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, Н. К. Байбаков, И. И. Бодюл, В. Э. Димшиц, В. Н. Макеев, Н. В. Мартинов, И. Т. Новиков, З. Н. Нуриев, Н. В. Тализин, СССР Министрлар Советининг ишлар мудири М. С. Смирнюков, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Л. Вацн бор эди.

МУТАХАССИСЛАР КЕНГАШИ

10 декабрь куни Тошкентда рангли металлургия мутахассисларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Кенгаш КПСС XXVI съезди қарорлари асосида шу тармоқ руда базасини ривожлантириш ҳамда кончилик корхоналарининг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш вазифаларига бағишланди.

СССР рангли металлургия министри П. Ф. Ломако кенгашда доклад қилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. З. Гурза, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси И. М. Владиченко, СССР Госплани Раисининг ўринбосари В. А. Банчиков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, А. Р. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитети раисининг ўринбосари С. П. Ефименко иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 10 декабрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмалари асосида область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этди. Область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Гоппов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши резервларидан энг кўп даражада фойдаланиш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг активлигини янада ошириш тадбирларини белгиладилар.

Пленум 1982 йилда ва ўн биринчи беш йилликда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари, келгуси йил бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

УРГАНЧ, 10 декабрь. (ЎзТАГ). Область партия-хўжалик активи йиғилишининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқларни бажариш соҳасида Хоразм область коммунистлари, барча меҳнаткашларнинг вазифаларини муҳокама этдилер. Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари И. Т. Сорокин доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар техникадан фойдаланиш самарадорлигини ва ишлаб чиқаришдаги маҳсулот сифатини ошириш, ҳом ашё материалларини тежаш зарурлигини таъкидладилар. Моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мусобақани кенг авж олдиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. Н. ЕЛОВ ва С. П. МЯСНИКОВ ўртоқларни «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги хизматлари учун милиция катта лейтенантлари Аҳмад Нурович Елов ва Сергей Петрович Мясников СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил 10 декабрь.

Мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик манфаатлари йўлида

«Мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик манфаатлари йўлида Леонид Ильич Брежневнинг ГФРга қилган визити» брошюраси босмадан чиқди.

Тўпламда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг 1981 йил 22-25 ноябрь кунлари Германия Федератив Республикасига қилган визити вақтида сўзлаган нутқлари, шу визитга оид ҳужжатлар ва материаллар бор.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Франция Коммунистик партияси Марказий органи — «Юманите» газетаси нашриётининг директори Макс Вэнстайн республика ҳаёти билан танишмоқда. У В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалида бўлди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

10 декабрь куни М. Вэнстайн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

Франциядан келган меҳмон Бухоро ва Самарқандга сафар қилди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

НАМАНГАН, 10 декабрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бугун ўн биринчи беш йиллиқда ва 1982 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини, келаси йилнинг маҳаллий бюджетни тасдиқлади, шу йилги планнинг қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқди.

Депутатлар область Совети ижроия комитетининг 1981 йилги иши тўғрисидаги ҳисоботни ҳам муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси М. Обидшоев ҳисобот берди.

* * *

ҚАРШИ, 10 декабрь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Қашқадарё область Советининг сессияси беш йиллиқда ва 1982 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини, келаси йилнинг маҳаллий бюджетини қабул қилди. 1981 йилги план бажарилишининг борыши ҳам муҳокама қилинди.

Сессия область ижроия комитетининг шу йилги иши тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА—60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ЧАРОГОН ЎЛКА

Бутун мамлакатимиз 22 декабрда ГОЭЛРО планининг 61 йиллигини ҳамда Энергетиклар кунини нишонлайди. ГОЭЛРО планида социалистик хўжалик қурилишини электрлаштиришга катта эътибор берилди. У амалда мамлакатнинг табиий хом ашё ва энергетика ресурслари ҳамда миллий шарт-шароитлар ҳисобга олинган иқтисодий режалаштиришнинг оқилона тузилган дастлабки плани эди.

ГОЭЛРО плани собиқ чор Россиясининг айниқса, Туркистон сингари қолоқ ўлкалари учун катта аҳамиятга эга эди. Бой хом ашё, сув ресурслари, ажойиб иқлимга эга бўлган бу ўлка диққат-эътиборни, кишиларнинг қалб кўри ва саховатини, билими ва куч-ғайратини, пул ва маблағларни талаб қиларди. Буларнинг ҳаммасини унга фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясигина ҳадя этди. В. И. Ленин 1918 йилдаёқ, Гражданлар урушининг оғир дамларида Туркистонда суғориш ишларини амалга ошириш учун 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги тарихий декретга имзо чекди.

ГОЭЛРО плани Туркистонда ишлаб чиқарувчи кучларни вужудга келтириш ва ўлка халқ хўжалигини ривожлантиришнинг комплекс планини яратишни белгилаб берди. Туркистонни электрлаштириш режаларини тузиб чиқишда машқур ўлкани яхши билган кишилар қатнашдилар. Унинг бой гидроэнергия ресурслари энергетикани тараққий эттириш базаси бўлиб қолди. Бу нарса электрлаштириш асосида саноатни тараққий эттириш ҳамда ўлкани суғориш муаммоларини комплекс ҳал этиш имконини берди.

Мирзачўлда электр дастлаб 1913 йили иккита хусусий пахта заводида пайдо бўлди. Кейинроқ Мирзачўл темир йўл станциясида ҳам 28 киловаттли генератор ўрнатилди. Подшо даврида электрлаштириш борасида қилинган иш шундан нарига ўтмади.

Ўлкада Совет ҳокимияти ўрнатилиб, мустаҳкамлангач, Мирзачўлни ҳар томонлама юксалтиришга катта эътибор берила бошланди. Улуғ Ватан урушига қадар ҳозирги Сирдарё области территориясида саноат объектларига кўплаб дизель-генератор ўрнатишга ўтилди. Уруш даврида мамлакатимиз маркази ва саноат районларидаги йирик корхоналарни Шарққа, жумладан, Ўзбекистонга кўчириб келтиришга киришилди. Уларни ҳаракатга келтириш учун жуда кўплаб электр энергияси зарур эди. Ишчи кучлари ва қурилиш техникаси ниҳоятда тақчил бир шароитда Сирдарёда Фарҳод ГЭСини бунёд этиш ишлари қизитиб юборилди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори бу нурхона қурувчиларининг қалб даъватига ҳамоҳанг бўлди. 1948 йил февралда Мирзачўл энергетикасининг қалдирғочи бўлган Фарҳод ГЭСи саноат токи бера бошлади.

Сирдарё областини ёппасига электрлаштириш 1954 йили «Урсатьевская» подстанциясини қуриш билан бошланди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги 1956 йилги тарихий қарори областимиз ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш билан айни пайтда ирригация иншоотларини қуриш, йўллар, совхоз қўрғонларини, электр узатиш линияларини барпо этиш ишлари олиб борилди. Областдаги мавжуд электр хўжалигини нормал ишлатиш ҳамда электрлаштириш суръатларини янада ошириш мақсадида 1964 йилда Сирдарё электр тармоқлари корхонаси тузилди. Корхонамиз ишчилари, мутахассислари ва қурувчиларининг эўр ғайрат билан ишлашлари, қийинчиликларни мардонавор енгишлари туфайли коллективимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида Сирдарё области ёппасига электрлаштирилганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди. Албатта, биз бу муваффақиятга осонликча эришганимиз йўқ. Барча қардош халқлар Мирзачўлни гуллаб-яшнаган воҳага айлантириш, уни Ильич нури билан чароғон этиш йўлида ўзларининг интернационал бурчларини шараф билан ado этдилар.

Ўша тарихий дамлар — 1970 йил 22 апрелида Ўзбекистон энергетикасининг бўлажак байроқдори — Сирдарё ГРЭСи пойдеворига дастлабки кубометр бетон қуйилди. 1972 йилда эса унинг биринчи агрегати ток берди. Бу йил Сирдарё нурхонаси лойиҳадаги қувватига етиб, ҳозир 3 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинмоқда. ГРЭС билан бир пайтда энергетиклар шаҳри—Ширин ҳам қад кўтарди. Янги иссиқлик нурхонасининг ишга туширилиши туфайли областимизда электр энергиясини истеъмол қилиш жиддий суръатда кўпайди. Ҳозир областимизда электр энергияси ҳосил қилиш аҳоли жон бошига республиканинг ўртача кўрсаткичидан икки марта кўпдир.

Шуниси қувончлики, электр станцияларида қувватлар билан бирга электр тақсимлагич шаҳобчалар ҳам узайиб бораётир. Корхонамизда 220, 500 киловаттли электр узатиш линиялари, 220 киловаттли иккита узел подстанцияси бунёд этилди. Хуллас, Мирзачўлда ташкил этилган электр тармоқлари Сирдарё область корхонаси жуда қисқа муддатларда республика энергетикларининг илғор отрядига айланди. Кадрларимизнинг малакаси ортди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати борган сари яхшиланди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Тақсимлагич шаҳобчаларига хизмат кўрсатувчи энг яхши бригадаларнинг Самарқанд шаҳрида ўтказилган республика конкурсида олий классли мастер М. Ҳайдаров бошчилик қилаётган бригадамиз биринчи ўринни эгаллади. Красноярскдаги Бутуниттифоқ кўригида эса у ҳурмат шоҳсупасининг бешинчи поғонасига кўтарилди. Сирдарёликларнинг ўнинчи беш йилликдаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланиб келинмоқда. Коллективимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини уч марта қўлга киритди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди биз, энергетиклар олдига ҳам улкан вазифаларни қўйди. Тақсимлаш шаҳобчаларини янада яхшироқ ривожлантириш, электр таъминоти пишиқ-пухталигини ошириш, кучланишлар сифатини яхшилаш, тежамкорликка эўр бериш — булар ўн биринчи беш йилликда ҳал қилиниши зарур масалалардир. Дастлабки натижалар чакки эмас. Ҳозирги пайтда ходимларимизнинг 97 проценти СССР 60 йиллиги шарафига шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқда. Корхонамизнинг 390 нафар ишчисига «Коммунистик меҳнат зарбдори», 20 та бригада, бўлим ва хизматга коммунистик меҳнат бригадаси ва цехи номлари берилган. Шу кунгача 1442 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. 1981 йил учинчи квартали якунларига кўра, корхонамиз коллективи Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги билан тармоқ ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғига лойиқ деб топилди.

Шубҳа йўқки, қолиб коллективимиз эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш учун барча чора-тадбирларни кўради, йилни зарбдорларча якунлаш учун мусобақа байроғини баланд кўтаради.

Ж. ОСПАНОВ,
Сирдарё электр тармоқлари корхонаси директори.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

НОВАТОРЛАР—ПАРТИЯ САФИГА

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети, цех партия ташкилотлари КПСС сафини илғорлар, ишлаб чиқариш новаторлари ҳисобига муттасил тўлдириб бормоқда. Яқинда илғор йигитрувчи, коммунистик меҳнат зарбдори Ш. Тошматова партия сафига қабул қилинди. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун курашаётган илғор ишчи шу кунларда 1982 йилни якунлаш арафасида турибди. 2-йигирув-тўқув фабрикасининг ишчиси О. Турсунова хизмат зонасини зичлаштириб, 24 дастгоҳда ишлашга ўтди. У Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқда. Фабрика коммунистлари илғор ишчини яқинда ўз сафларига қабул қилдилар.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 230 ишчи ва хизматчи партия сафига қабул қилинди. Корхонада ёш коммунистлар мактаби машғулотлари мунтазам ўтмоқда.

С. АЛИЕВ.

ХИМИКЛАР АҲДИ

Қўқондаги суперфосфат заводи коллективи шу кунларда СССРнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб, меҳнат қилянти, Химиклар пахтакор республикаларга пландан ташқари йил бошидан бери 1,5 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит етказиб бердилар.

Қўқонликлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш туфайли яхши натижаларга эришмоқдалар. Суперфосфатчилар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга аҳд қилдилар. Улар 1982 йилнинг 26 декабригача икки йиллик планни бажариб қўшимча равишда 3,8 минг тонна суперфосфат тайёрлаб, пахтакор республикаларга жўнатишни мўлжаллаб қўйдилар.

Чет элларда

БУДАПЕШТДАГИ УЧРАШУВЛАР

БУДАПЕШТ, 9 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Расмий дўстлик визити билан ВХРда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов бугун ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар билан учрашди. Н. А. Тихонов КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг энг самимий табрикларини ва социалистик қурилишда бундан буён муваффақиятларга эришишни тилаб сидқидилдан билдирган истакларини Я. Кадарга ва қардош венгер халқига топширди.

Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида КПСС билан ВСИП, Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги муносабатлар масалалари юзасидан, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволнинг муҳим проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди. Л. И. Брежневнинг яқинда ГФРга қилган визити сўнгги вақтда халқаро ҳаётдаги ғоят муҳим воқеа бўлганлиги, халқаро конструктив мулоқотни ривожлантиришга, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги уқтириб ўтилди.

Суҳбатда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Я. Павлов ва ВХРнинг СССРдаги элчиси М. Сюреш иштирок этдилар.

Шу куни Н. А. Тихонов ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Президиумининг Раиси П. Лошонци ҳузурида бўлди. Икки ўртада суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА. (ТАСС). ПБИП Марказий Комитетида ПБИП Марказий Комитети секретариатининг партия воевода комитетлари биринчи секретарлари ҳамда ПБИП Марказий Комитети бўлим мудирлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда мамлакатда кескинлашиб бораётган социал сиёсий вазият, шунингдек ПБИП бошланғич бўғинлари ва органларининг шу вазиятдан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

* * *

ПРАГА. (ТАСС). «Руде право» газетаси «Контрреволюция программаси» сарлавҳаси остида босиб чиқарган шарҳида, жумладан, қуйидагилар айтилади: «Бирдамлик» раҳбарларининг Радомдаги мажлисини антисоциалистик ва антикоммунистик гап-сўзлардан, нафратга тўлиб-тошган вайсақиликнинг кўринишидангина иборат деб қараш мумкин эмас. «Бирдамлик» Радом мажлисининг аҳамияти анча жиддий бўлиб катта хавф-хатар туғдирмоқда. Унинг раҳбарлари халқ ҳокимияти позицияларига ҳужумнинг якунловчи босқичига тайёргарлик кўрила бошлаганлигини айтдилар. Уларнинг мажлисда сўзлаган нутқлари контрреволюциянинг программасидир.

Радомда Польшада ҳокимиятни босиб олишдан, халқ ҳукуматини ағдариб ташлашдан иборат мақсад ва айни вақтда унга эришиш воситалари — мамлакатда социалистик тузумга нисбатан конфронтация, яъни кураш, зўравонликдан фойдаланиш кабн воситалар белгиланди. «Бирдамлик» раҳбари Валенсанинг нутқи, айниқса рўйи-рост бўлди. У ниқобини олиб ташлаб, «Бирдамлик» аввал бошданоқ нимадан манфаатдор эканлигини, нима учун у вужудга келганлигини, унинг бош мақсади нимадан иборат эканлигини ошкора эълон қилди.

Радомдаги айрим нутқларда контрреволюцион тазйиқнинг конкрет методлари: давлат воевода органларига зарба бериш кераклиги айтилди. «Бирдамлик» ўзининг «зарбдор отрядлари»ни жаддалик билан тузажаги белгиланди. Уларнинг таъбири билан айтганда, бу «отрядлар» «тўқмоқлар» билан қуролланган бўлиб, Польшанинг барча районларидаги «Бирдамлик» маҳаллий филиалларида шундай отрядлар ҳозирдаёқ мавжуд.

«Бирдамлик» оммавий ахборотнинг энг муҳим воситаларини батамом эгаллаб олишга уриниб кўради. «Бирдамлик» Варшава филиалининг раҳбари Буяк ана шу вазифани ўз зиммасига олди. У радио ва телевидение ишлари комитетини ишгол этиш учун зарбдор отрядлардан фойдаланаман, деб айтди.

Реакцион антисоциалистик кучлар пайтдан фойдаланаётганликларини, бир оқимга жипслашишга, уни йўналтиришга ҳаракат қилаётганликларини кўрмаслик мумкин эмас. Радомдаги мажлис тасодифий бир тадбир бўлгани йўқ, унга пухта ҳозирлик кўрилган. «Бирдамлик» раҳбарлари «Ким-кимни енгади» деган шиорни муросасизлик билан эълон қилмоқдалар, деб ёзади «Руде право» газетаси.

АНГОЛА ХАЛҚИНИНГ РЕВОЛЮЦИОН АВАНГАРДИ

Ангол халқи 10 декабрда Ангола Халқ озодлик ҳаракати (МПЛА) ташкил этилган кунининг 25 йиллигини ва унинг марксизм-ленинизм ҳамда илмий социализм принципларига амал қилаётган МПЛА — Меҳнат партиясига айлантирилганлигининг 4 йиллигини «Партиямизни мустаҳкамлаймиз, революцияни ҳимоя қиламиз» шиори остида нишонлади.

Республиканинг барча жанговар ва меҳнат ғалабалари Ангола халқининг синалган революцион авангарди — МПЛА — Меҳнат партияси билан боғлангандир. Ангола ватанпарварлари 1961 йил 4 февраль куни Луандадаги Сен-Паула турмаларини штурм қилиб, беш аср давом этган мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши қуролли кураш бошладилар. Бу кураш 1975 йил 11 ноябрда мамлакатни мустақил деб эълон қилиш ва Ангола Халқ Республикаси барпо этиш билан тугалланди.

Ангола халқи МПЛА —Меҳнат партияси раҳбарлигида ва Совет Иттифоқи, Куба, бутун социалистик ҳамдўстлик мадади билан ирқчи Жанубий Африка Республикаси, империалистик малайлар ва контрреволюцион шайқаларнинг бирлашган қучлари устидан катта ғалабага эришди.

Мустақиллик эълон қилинганидан буён мамлакат экономикасида давлат сектори мустаҳкамланмоқда.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Токиодаги «Сэйбу Бидаюцукан» выставка залида ташкил этилган «Евразиянинг кўчманчи халқлари» мавзуидаги совет археология-этнография кўргазмаси эўр муваффақият билан ўтмоқда.

СССР Фанлар академияси ташкил этган бу кўргазмага мамлакатимиз кўчманчи халқларининг тарихи ва маданияти тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар қўйилган. Кўргазма Совет Иттифоқи халқларининг маданий анъаналари тўғрисида тасаввур берадиган ноёб бадиий бойликлар билан танишишга имкон яратади, деб ёзади «Токио симбун» газетаси.

* * *

Данияда парламентга муддатидан илгари ўтказилган сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Мамлакат сиёсий кучларининг жойлашувида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бунга биринчи навбатда ҳукмрон социал-демократик партия сайловда катта мағлубиятга учраганлиги сабаб бўлди. Бу партия тўққизта депутатлик ўрнидан маҳрум бўлиб, фолькетингнинг бўлғуси составида 59 та мандатга эга бўлади. Сайловчиларнинг 32,9 проценти шу партия учун овоз берди, бу эса аввалги сайловдагига нисбатан 5,4 процент камдир. Энг йирик буржуа партияларининг ҳам позициялари заифлашиб қолди, улар жами 1,7 процент кам овоз олдилар.

* * *

Танзания ташқи ишлар министри Салим А. Салим БМТ Бош секретари сайловида ўз номзодини қайтариб олди. Илгари БМТнинг ҳозирги Бош секретари К. Вальдхайм худди шундай қарор қабул қилган эди, унинг ваколат муддати шу йил 31 декабрда тугайди. Маълумки, бирдан-бир расмий номзодлар бўлган К. Вальдхайм ҳам, Салим А. Салим ҳам овоз беришнинг 16 даврасида давомида зарур миқдордаги овозларни олишга муваффақ бўла олмадилар. Сайланиш учун Хавфсизлик Кенгаши барча бешта доимий аъзосининг қўллаб-қувватлашига эришиш керак.

Салим А. Салим БМТ қароргоҳида ўтказилган матбуот конференциясида ўзининг шу қарорини маълум қилди. Аммо унинг гапларига қараганда, у БМТ Бош секретари лавозими учун курашдан барибир воз кечаётгани йўқ.

(ТАСС).

ҲИССАМИЗ

Бекобод район меҳнаткашларининг бу йилги улкан пахта ҳирмонида ўз сафларида 700 дан ортиқ лекторни бирлаштирган район «Билим» жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Биз ҳар сафаргидек бу йил ҳам ўз фаолиятимизни районимизнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш режаларига мослаштирдик. Йил бошиданоқ лекторларни танлаб улар учун хирмонлар, дала шийпонлари, бригадалар, тайёрлов пунктларида лекция ва суҳбатлар ўтказишлари учун тематик лекциялар тайёрлаб қўйдик. Дала шийпонларига олиб чиқиш учун брошюралар, тегишли кўргазмали қуроллар ҳозирладик. Ана шу мақсадда президиум аъзолари ва илмий-методик секциялар раҳбарлари ҳар бир хўжаликнинг меҳнат коллективларининг муваффақиятлари ва камчиликларини, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга биркитилди. Район комсомол комитети маданият ва маиишлатиш бўлимлари билан ҳамкорликда қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш учун агитмашиналар ташкил этди. Уларнинг составига лекторлардан ташқари машҳур хизмат ходимлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва кўчма кинолар ҳам киритилди.

Бутун сиёсий-оммавий ишларни кенг кўламда олиб боришда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездлари якунига бағишланиб апрель ойи бошларида ўтказилган сиёсий кун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша куни район хўжаликларида маҳаллий пропагандистлардан ташқари партия форумининг иши тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент обкоми ва «Билим» жамиятининг область ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган лекторлар группаси, агитбригада составига кирган тошкентлик олим ва мутахассислар ҳам ажойиб, қизиқарли лекциялар ўқидилар.

«Билим» жамияти аъзолари аҳоли орасида, айниқса пахтакорлар орасида республика партия ва ҳукумати Мурожаатининг мазмунини кенг ва ҳар томонлама пропаганда қилдилар. Агитбригадамиз аъзолари у ёки бу хўжалик аъзоларининг тушки дам олиш пайтида ёки ишдан сўнг ҳордиқ чиқараётганида келиб, дилдан ўтган суҳбатлари, шўх, қувноқ яллалар ва рақслар дала меҳнаткашларининг чарчоғини чиқариб, уларга яхши кайфият бахш этди. Агитбригадамиз аъзоларидан район маданият бўлими мудири Сувонов, район партия комитети инструктори А. Пароль, район марказий касалхонаси врачи С. Охунов ва бошқаларнинг чиқишлари пахтакорларда яхши таассурот қолдирди. Район партия комитетининг секретари Т. Ширинов, район халқ контроли комитети ранси Э. Рўзибоев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати А. Рўзметова, меҳнат ветеранлари В. Отахонов ва И. Сотиболдиев ўртоқлар дала меҳнаткашларига қизиқарли лекциялар ўқидилар. Ҳар бир коллективни қизиқтирадиган қаётий масалалар, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид мазмунли лекциялар тингловчиларга маъқул бўлди.

Пахтакорлар «КПСС XXVI съезди совет халқи фаровонлигини ошириш тўғрисида», «Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съезди қишлоқда турмуш маданиятининг тараққиёти ҳақида», «КПСС — тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг авангарди», «Иқтисод ва тежамкорлик учун» каби лекцияларни эўр қизиқиш билан тингладилар.

Бизнинг муваффақиятимиз бошланғич ташкилотларнинг ташаббускорлиги, ишчанлиги ва активлигига боғлиқ. Шунинг учун район ташкилоти ўзининг қуйи звеноларига кундалик ёрдам кўрсатмоқда. Пахта йиғим-терими мавсумида «Далварзин» совхози, Ленин номли ва «Коммунизм» колхозларидаги «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари ниши айниқса намунали ташкил этилди. Улар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотларининг муносиб ёрдамчилари бўлдилар.

Бизнинг лекция пропагандамизнинг асосий вазифаси қишлоқ маданиятини юксалтиришга қаратилган. Шунинг учун биз янги замонавий маросим ва анъаналарни пропаганда қилмоқдамиз. Бу соҳада областимизда ва республикамизда тўпланган тажриба билан танишиб бормоқдамиз.

Шу нарсани ишонч билан айтишимиз мумкинки, «Билим» жамиятининг Бекобод ташкилоти аъзолари бундан буён ҳам меҳнаткашларни беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш, СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга илҳомлантириш учун ўзларининг бутун куч ва имкониятларини сафарбар этадилар.

С. ҲАКИМОВ,
«Билим» жамиятининг Бекобод район ташкилоти правлениесининг масъул секретари.

ПЕШҚАДАМ ТУҚУВЧИ

Хивадаги гилам комбинатида пешқадам тўқувчи Назира Отажонованн ҳамма танийди. Уни ҳамма ҳурмат қилади. Ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида пешқадам тўқувчи зарбдорларча меҳнат қилянти. Ҳозиргача у бир ярим йиллик топшириқни бажариб қўйди. Шу кунларда Назира 1982 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ўн биринчи беш йиллигининг ўн беш пешқадами ташаббусига қўшилган Н. Отажонова бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилди. У корхонада биринчи бўлиб ана шундай ташаббус билан чиқди. Пешқадам тўқувчи беш йиллик мобайнида 69600 квадрат метр гилам маҳсулотлари тайёрлашга аҳд қилган. Шуниндек, бу маҳсулотнинг 75 процентини биринчи сортга топширишни мўлжаллаяпти.

Суратда: илғор ишчи, КПСС аъзоси Назира Отажонова.

Қ. Отаев фотоси (УзТАГ).

«КЕЛИНГ, ҲАММА ҚУРОЛЛАРНИ ҚАЙТА САНАБ ЧИҚАЙЛИК»

«Нью-Йорк таймс» газетаси Америкининг таниқли ҳарбий мутахассиси Т. Жервазининг «Келинг, ҳамма қуролларни қайта санаб чиқайлик» сарлавҳали мақоласнни эълон қилди. Мақолада Вашингтон мавмуриятининг Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи билан музокараларга ёндашуви самимий эканлиги жиддий шубҳа остига олинади.

Автор Р. Рейган таклиф этган «дастлабки тартибда ҳал этиш» деган сохта қарор тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципини бузишини қайд этди. Жумладан, автор қуйидагиларни ёзади: «Биз-нинг президентимиз Совет Иттифоқининг ўртача олисликка учириладиган мавжуд ядро қуроли шундай чекланишини талаб қилдики, бунда ўзимизнинг ядро воситаларимиз бир хилда қисқартирилмаган бўлур эди. Бундай таклиф адолатли эмас».

Аммо шунга умид боғланмоқдаки, бу таклиф Женевада рад этилган тақдирда президент «Першинг-2» ракеталарига ва «Томагавк» қанотли ракеталарига қарши намойишларнинг қатнашчилари бўлган юз мингдаб европаликларга мен. «шу ракеталар жойлаштирилишининг олдини олишга уриниб кўрдим, аммо ҳозир белгиланган режани амалга оширишга киришишдан бошқа иложим қолмади» деб эълон қилмоқчи.

АҚШ президенти ўз таклифини гўё адолатли қилиб кўрсатмоқ учун, деб ўқитиради сўнгра Жервази, у Совет Иттифоқида ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли биэга қарагаида кўп ва улар янги хавф туғдирмоқда, деди.

Президент Рейган, деб ёзади сўнгра Жервази, НАТО мамлакатларининг ўртача олисликка учириладиган барча ядро қуролларини элгиш воситаларини Совет Иттифоқидаги мавжуд шундай элтиш воситалари билан таққослашдан бўйин товлади. Мақола авторининг чамаларига кўра, АҚШ президенти шу йил 18 ноябрда сўзлаган нутқида, жумладан, Англиядаги мавжуд 64 та «Поларис А-3» ракетасини, Францияннинг ердаги базаларда жойлаштирилган 18 та «ССВС-2» ракетаси ва сув ости кемаларидаги 80 та «М-20» ракетасини, НАТО мамлакатларининг ўзлаб самолётларини НАТО кучларига қўшгани йўқ. Америка ҳарбий мутахассисининг ҳисобларига кўра, НАТО Европада ядро қуроллари миқдори жиҳатидан Варшава Шартномасига нисбатан тахминан бир ярим баравар устунлик қилади.

Хўш, Совет Иттифоқининг «СС-20» ракетаси қандайдир янги хавф солмоқдами, деб савол беради Жервази ва унинг ўзи йўқ, деб жавоб қайтаради. АҚШнинг «Шунга мос келадиган тийилиб туриш воситаси» бормиҳ? Ҳа, бор! АҚШ 1957 йилдаёқ «Тор» ва «Юпитер» ракеталарига эга эди, ҳозир эса унинг «Посейдон» ракеталари ва ядро қуролини элтадиган ўзлаб самолётлари бор.

Хўш, ким биринчи бўлиб тактик ядро қуролини ишлаб чиқариб жойлаштирди? Биз!— деб давом қилади Жервази. НАТО мамлакатлари «Онест жон» ва «Корпорал» ракеталари, шунингдек 280 миллиметрли артиллерия тўплари билан 1953 йилда қуроллантирилган эди. Руслар ўзларининг шу классдаги биринчи ядро қуролларини 1957 йилдагина ишлаб чиқариб, жойлаштирдилар.

Кўшма Штатларга «Першинг-2» ракеталари ва қанотли ракеталар керак эмаслиги биэга жуда яхши маълум, деб таъкидлайди автор. Бор-йўқ гап шундаки, бу ракеталарни ҳарбий саноат ишлаб чиқаришни истайди.

Жервази жаҳон ядро можаросини чиқариш мумкин бўлган ядровий қуролланиш пойгасининг хавф-хатари тўғрисида огоҳлантириб, қуйидагиларни ёзади: томонларнинг биронтаси ҳам Европада уруш бошлай олмайди, чунки бу ўзини-ўзи ўлдириш бўлур эди. Модомики, АҚШ қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатилишидан ҳақиқатан ҳам манфаатдор бўлса, у ҳолда ўзининг ҳарбий саноатини граждан изига ўтказишга киришиши, шунингдек дунёни қаётимиз учун яна ҳам кўпроқ хатарли жойга айлантириб қўйдиган янги қурол-яроғлар ишлаб чиқариш имкониятини тугатиши керак.

(ТАСС).

Нью-Йорк.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ХАЛҚ МУЛКИ»

Газетамизнинг шу йил 22 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалда Қува шаҳридаги нон комбинатида ва барча умумий овқатланиш корхоналарида нонни тежаб-тергаб ишлатилаётгани, исрофгарчиликнинг олди олинаётгани алоҳида қайд этилиб, шу билан бирга Фарғона нон комбинати (корхона бош инженери Д. Романов), Киргули умумовқатланиш трестига қарашли «Салом» кафесида (бош ошпез З. Эрматов, зал мудири В. Пешехонова) халқ бойлиги — нон сифатсиз ишлаб чиқарилаётгани сабабли кўп нонлар чиқитга чиқаётганлиги баён этилган эди.

Ушбу мақола юзасидан **ФАРҒОНА ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** редакциямизга шундай мазмунда жавоб йўллади:

— Газетада босилган «Халқ мулки» сарлавҳали мақола юзасидан нонни тежаш ва сифатини яхшилашнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Киргули умумовқатланиш трестида ҳам хўрандаларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, нон ва нон маҳсулотлари исроф бўлишининг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Киргули умумовқатланиш трести буйруғи билан «Салом» кафесининг ошпази З. Эрматов вазифасидан четлатилди. Зал мудири В. Пешехонова қаттиқ ҳайфсан, официантлар А. Штробель ва Л. Бережнаяга ҳайфсан эълон қилинди.

Савдо тармоқларида нон ва нон маҳсулотлари исроф бўлишининг олдини олиш учун қаттиқ назорат ўрнатилди.

Бўлимга келаётган хат-хабарларнинг кўпчилигини чорвачилик, галлачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик мавзуларидаги мактублар ташкил этади. Уларда штатсиз ва жамоатчи мухбирларимиз жойларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қиладилар. Чунончи, Фарғоналик жамоатчи мухбиримиз Н. Мамадалиев шундай ёзади:

«Бувайда районидаги Киров номли колхоз сут-товар фермасининг машҳур согувчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати Кумрининсо Абдуллаева съездлар йилида пландаги 130 тонна ўрнига 139 тонна сут согиб олиб, йиллик плани барвақт адо этди. У бугунгача 32 бош сигирнинг ҳар биридан 4345 килограммдан серҳаймоқ сут топширди. Моҳир согувчининг аҳди — йил охиригача яна 31 тонна сут согиб олишдир».

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЛИМИ ПОЧТАСИДАН

ҚУВОНЧЛИ САТРЛАР

— Уйчи районидаги «Гулистон» совхози шоликорлари, — деб хабар қилади наманганлик М. Қодиров, А. Қорабоев ўртоқлар. —Ўрнимиз йиғим ишларини муваффақиятли тугаллаб, даврлатга пландан ташқари 620 тонна юқори сифатли дон сотдилар. Гектар бошига олинган ҳосил 45 центнерга етди. М. Убайдуллаев, А. Тўйчиев, М. Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар айниқса, юқори кўрсаткичга эришдилар».

Жиззахлик қаламкаш У. Норқулов ўз хабарида «Партия XXIV съезди» совхози соҳибкорлари узум етиштириш бўйича Бахмал районида энг яхши натижага эришганлигини қайд этиб, «соҳибкорлар 235 гектар майдондаги токзордан она Ватанга 1250 тонна сара узум етказиб бердилар. Бу — пландагидан 180 тонна ортиқдир» деб ҳикоя қилади.

М. Эсонбоев, С. Даминов, К. Раҳимов (Намаган), Р. Султонов (Фарғона), Қ. Ҳожиев, Т. Аюбқулов (Сирдарё), Э. Хожиқурбонов (Самарқанд) ўртоқлар йўллаган хат-хабарларда ҳам республикамиз чорвадорлари, соҳибкорлари, галлакорлари ва сабзавоткорлари эришаётган ютуқлар тўғрисида қувончли сатрларни ўқиш мумкин.

СССР 60

ҒАЛАБАНГ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ, ГЎЗАЛ ФАРҒОНА

ОБЛАСТЬ 590 МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИБ, МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

УЛКАН ЗАФАРЛАР ЙИЛИ

Областимизнинг олтин қўлли деҳқонлари она-Ватанга 590 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар.

Бу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. «Ҳар бир совет республикаси, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — совет экономикасини ривожлантиришда ўзининг алоҳида ўрнига эга. Ўзбекистоннинг умумиттифоқ бойлигига қўшаётган ҳиссаси унинг етиштираётган пахтаси билан белгиланади. Хўжаликнинг бошқа тармоқлари аҳамиятини асло камситмоқчи эмасман, албатта. Лекин республика миқёсида ҳам, умумиттифоқ миқёсида ҳам Ўзбекистон пахтаси, айниқса, катта роль ўйнайди». «Оқ олтин» диёри бўлмиш республикамиз шаънига, шавкатли пахтакорларимиз шаънига айтилган бу самимий юрак сўзлари «оқ олтин» бунёдкорларини ҳамиша улкан марраларга даъват этаверади.

Областимизнинг 590 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга пешқадам районлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Бувайда, Ленинград, Ўзбекистон, Киров ва бошқа районлар партия, совет ташкилотлари 1981 йил мўл ҳосили учун бутун йил давомида катта сиёсий ҳамда ташкилотчилик ишларини олиб бориб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш, унинг бирор граммини нобуд қилмай йиғиб-терб олишдек муқаддас ва шарафли ишга моҳирлик билан раҳбарлик қилдилар.

Фарғона — азалдан миришкор, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда эл оғзига тушган новатор деҳқонлар диёри. Бугунги кунда биз яна шундай миришкор деҳқонлар ҳақида сўз юритар эканмиз, бутун кучи, билими ва умрини Ватанимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш пахтачиликни ривожлантиришга бахшида этган ажойиб ишлаб чиқариш командирлари номини фахр ва ифтихор билан тилга оламиз. Шу ўринда мен Бувайда районидаги Калинин номли колхоз раиси И. Азимов, «Партия XX съезди» колхози раиси Ж. Алибоев, «Ленинград» колхози раиси М. Ҳўжаев, Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Деҳқонов, Охунбобоев номли колхоз раиси Э. Мадраҳимов, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози директори А. Аҳмедов, Ғ. Ғулом номли колхоз раиси А. Эркабоев, Бағдод районидаги «Большевик» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Усмонхўжаев, Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхоз раиси Ҳ. Худойбердиев, Киров районидаги Киров номли ҳамда «Бешариқ» совхозлари директорлари Ҳ. Турдиев, Н. Мелиев каби неча ўнлаб хўжаликлар раҳбарлари номларини алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб ўтишни истардим. Ўзларида ишлаб чиқариш раҳбарига хос барча фазилатларни мужассамлаштирган бу ажойиб кишилар эл-юрт иши учун фидойиликлари, кўпчиликнинг дилига йўл топа билишдек қобилиятлари, қолаверса, халоллик, принципиаллик ва талабчанликлари, ишга ижодий ёндашиш каби хислатлари билан омма ўртасида ҳурмат қозондилар. Улар раҳбарлик қилаётган колхоз ва совхозлар фақат пахтачиликдагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам энг юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Фарғона деҳқонлари бунёд этган пахта хирмонларига боқар эканмиз, унинг замирида неча ўнлаб, юзлаб мутахассисларимиз меҳнати борлигини ҳис этамиз. Кўп сонли олий ҳамда махсус ўрта ихтисосли агрономларимиз Фарғонанинг юксак пахта хирмонини — бунёд этиш йўлида бутун куч, билим ва тажрибаларини аямай сарфладилар. Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқ керакки, сўнгги йиллар пахтакор хўжаликларимизга олий ихтисосли мутахассисларнинг янги-янги отрядлари келиб қўшилган давр ҳам бўлди. Хусусан, партия ва ҳукуматимизнинг ишлаб чиқаришда ўрта звенони мустаҳкамлаш ҳақидаги қарорига жавобан қишлоқ жойларда, бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган мутахассислар сафи кенгайди, неча ўнлаб олий ҳамда ўрта ихтисосли қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг бригада бошлиғи бўлиб ва бошқа касбларда ишлашлари йил сайин ҳосилдорликни ошириш, хирмонга яқада салмоқ киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сир эмаски, яқин-яқинларгача 40 центнерлик хирмон энг юксак чўққи бўлиб кўринарди. Бугунги кунда Фарғона областидаги юзлаб бригадалар, кўплаб колхоз ва совхозлар бу маррани ортда қолдириб кетдилар. Бугун Фарғона деҳқони 50—60 центнерлик хирмон уйишни кун тартибига қўймоқда. Ўн биринчи беш йиллликнинг биринчи йилида эса кўплаб бригадалар 55—65, ҳатто 70 центнерлик маррани эгаллашди. Шу ўринда Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхозининг Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилаётган атоқли пахтакор М. Усмонов бошлиқ бригадаси коллективи фаолияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқ жоиздир. Пахтадан юқори ҳосил олишда ўзига хос мактаб яратган истеъдодли деҳқон М. Усмонов чўл шароитида мўл ҳосил етиштириш намунасини кўрсатиб келмоқда. У раҳбарлик қилаётган меҳнат коллективи бу йил гектар бошига деярли 75 центнердан хирмон кўтариб, рекорд натижага эришди. Шу райондаги Калинин номли колхоздан Х. Норқўзиев, «Ленинобод» колхозидан Т. Алихонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам гектар ҳисобига 70 центнерга етказиб хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, ўн биринчи беш йиллликнинг дастлабки йили пахтадан энг юқори ҳосил етиштириш бўйича янги-янги қаҳрамонларни майдонга чиқармоқда. Киров районидаги Киров номли совхоз бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Холиқов ана шундай новатор деҳқонлардан биридир. Унинг бригадаси гектар бошига уйган ҳосил 60 центнерга етди. Шу райондаги «Бешариқ» совхози бригада бошлиқлари А. Имомов, Қ. Хушвақтова, «Москва» колхозидан М. Ўролов, А. Маматов ўртоқлар бошчилик қилаётган меҳнат коллективлари ҳам гектар бошига 45—50 центнердан ошириб жавоҳир теріб олдилар. Ленинград районидан М. Насриддинова, Д. Турғунов, М. Аҳмадалиев, Т. Деҳқонов, Т. Жўраева, Т. Шерматов, Ўзбекистон районидан С. Худойқулов, А. Раҳмонов, У. Умматқулов, Р. Олимова, Э. Худойбердиев каби тадбиркор деҳқонлар бошлиқ бригадалар ҳам пахтадан юқори ҳосил олиб элга танилдилар.

Бу йил йиғим-терим бошланиши билан сифатли дефолиация қилинган майдонларда 2100 дан ортиқ терим машинаси унум билан ишлатилди. «Зангори кема» капитанлари пахта йиғим-теримидек мураккаб, сермеҳнат жараёндаги ишларни ўз зиммаларига олиб, деҳқонларимиз оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшдилар. Бутун мавсум давомида дарталаримиз ялпи ҳосилнинг 361 минг тоннага яқинини бункерлардан тўкишга муваффақ бўлдилар.

Областимиз пахтакорлари беш йиллликнинг биринчи йили учун олган юксак мажбуриятларини шараф билан адо этиб, партия, Ватан олдида берган сўзларининг устидан чиқдилар.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича белгиланган топшириқларни ҳам шараф билан адо этдилар. Ғаллакорларимиз бу йил, айниқса улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Давлат омборларига дон етказиб бериш соҳасидаги мажбуриятлар ортиғи билан ado этилди. Боғбон-соҳибкорларимиз, полизчиларимиз ҳам бу йил ўз саховатларини кўрсатдилар. Давлатга мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари топшириш планлари ортиғи билан ado этилди. Янги беш йиллликнинг биринчи йилини зафарлар йилига айлантирган деҳқонларимиз ўн-биринчи беш йиллликнинг иккинчи йили учун ҳам пухта замин яратиш йўлида фидокорона иш олиб бормоқдалар.

Х. УМАРОВ,
Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари.

Бувайда районы азалдан тадбиркор ва тажрибали пахтакорлари билан машҳур.

Суратда: (чапдан) «Ленинобод» колхозининг раиси Т. Ҳўжаев, «Партия XX съезди» колхозининг раиси Ж. Алибоев, Калинин номли колхоз раиси И. Азимовлар.

МЎЛ ҲОСИЛ ОМИЛЛАРИ

Районимиз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликда 40 центнерлик маррани эгалладилар. Бу ўтган йилдагидан анча кўп. Гапни рақамдан бошлаганимнинг сабаби шундаки, бувайдаликлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил олишнинг устаси бўлиб қолдилар, табиат инжиқликлари устидан ҳамиша ғолиб чиқмоқдалар. Пахтачилик ва бошқа тармоқларни комплекс ривожлантиришдаги ютуқларимиз ўзимизники, уни биздан бироз тортиб ололмайди. Энди келаси йил юқори ҳосили ҳақида бош қотирмоғимиз, барча резерв ва имкониятларни шу мақсад йўлига сафарбар этмоғимиз керак. Чунки келаси йилнинг юки бу йилгидан оғирроқ бўлади.

Районимизда, қолаверса, бизнинг колхозимизда ҳосилдорликни ошириш, пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятни бажаришга олиб келган асосий омиллар нималардан иборат? Барча хўжаликларда пахта-беда алмашлаб экиш схемасига тўла амал қилинляпти. Натижада тупроқ қатламида табиий азот кўп тўпланиб, ҳосилдорликни оширишга ёрдам берляпти. Ундан ташқари органик ўғитлар самарадорлигини ошириш мутахассислардан тортиб, колхозчиларгача — ҳамманинг диққат марказида бўляпти.

Кейинги йилларда пахта нави уруғини танлаш, агротехниканинг қандай тадбирларини танлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳуқуқи бригада бошлиқларига берилди. Бу муҳим иш устидан партия ташкилотлари мунтазам назорат олиб боради, чалкашликлар, тушунмовчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўради. Мақсад битта — пахтанинг серҳосил, эртапишар, машина теримибол навларини танлаш, кўп ва сорти юқори ҳосил олишдир. Барча имкониятларни шунга сафарбар этмоқдамиз.

Колхозимизда 27 та пахтачилик бригадаси бор. Уларнинг етакчилари йирик хўжалик раҳбари, техника жонкуяри, юқори ҳосил устасидай кенг кўламда фикр юритади. Пахта етиштиришга кетган сарф-харажатни олинган даромад билан таққослаб кўради. бригадага кўпроқ соф фойда келтиришни, колхоз экономикасини мустаҳкамлашни ўйлайди. Шундай экан, улар келгусида ҳам ҳосилдорлик карвонбошилари бўлиб қоладилар, деб умид қилиш мумкин.

Мисол учун донгдор бригада бошлиқларидан Мамадали Усмоновни олайлик. Бу бригада пахтакорлари ўтган йили планни 200 процент бажарган эдилар. Бу йил кўрсаткични 250 процентга кўтардилар. Бўлтурги 60 центнерлик ҳосилни бу йил 75 центнерга етказиб, мусобақада ғолиб чиқдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Рўзиалиев, Мамадали Аҳмедов ва бошқа бригада бошлиқларимизда ҳам ана шундай фазилатлар камол топмоқда. Бир сўз билан айтганда, барча бригада бошлиқларимиз ишбилармон, ташкилотчи, фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этишга қодир кишилардир.

Бу йилги пахта ҳосили ғоятда мураккаб об-ҳаво шароитида етиштирилди. Дастлабки терим кунларидаги қийинчиликлар олдида саросимага тушиб қолган кишилар ҳам бўлди. Лекин партия ташкилотимиз ҳаммани янги меҳнат зафарларига эришишга руҳлантирди. Механик-ҳайдовчилар, кўпминг килограммчи теримчилар, мантаблар ва ўқувчи-ўқитувчи коллективлари — ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилди, ҳосил ва план тақдири учун курашди, мажбуриятни бажаришни шарафли бурч деб билди.

Натижа кутилгандан зиёд бўлди. Колхозимиз пахтакорлари 1.540 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, мажбуриятини бажарди. Давлат тайёрлов пунктига 7 минг тонна юқори сорт пахта топширилди. Бир йилда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 4 центнер кўтарилди. Барча механик-ҳайдовчиларимиз, теримчиларимиз пахтакорлик бурчларини сидқидилдан ўтадилар.

Йилга якун ясашимизга оз фурсат қолди. Колхозимиз давлатга барча хил қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини муваффақиятли бажаргани ва бажаяётганини қувонч билан айтиб ўтамиз. Фарғона областимизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшиш билан чексиз мамнунмиз.

Лекин ҳали кўп иш қилишимиз керак. Келаси йилги мўл ҳосил иштиёқи барча колхозчиларимизни бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашга чорлаяпти. Кузги шудгорлашни тез ва соз ўтказмоғимиз, бизнинг шароитимизда асосий ҳосил душманларидан бири ҳисобланган шўр ва сизот сувни камайтириш чораларини кўрмоғимиз керак. Бу агротехника тадбирларини яқин фурсатларда муваффақиятли туғаллаш режаларини аниқ белгилаб олдик. Ундан ташқари асосий эътиборни чорва қишловини бехатар ўтказиб, маҳсулотларнинг камайишига мутлақо йўл қўймаслик тадбирларини куришимиз керак.

Партия ташкилотимиз жанговар, халқимиз меҳнатсевар. Шундай экан, 1982 йилда пахтадан янада юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва маҳсулотларини кўтариш учун мусобақани бутун чоралар билан кучайтираверамиз.

Ж. АЛИБОЕВ,
Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси.

БУРЧГА САДОҚАТ

Кейинги йилларда пахтакорларимизда яхши анъана қарор топди. Улар ўз бригадаси ёки колхозидагина эмас, шу билан бирга район миқёсида пахтачиликни ривожлантириш, ирригация-мелиорация, комплекс механизацияни кучайтириш, кимё муъжизасидан оқилона фойдаланиш йўли билан ҳосилдорликни ошириш, айниқса теримни кўпроқ машиналаштириш ҳақида гап юритадиган бўлиб қолди. Бу кенг меҳнаткашлар оммаси ташаббускорлиги ўсаётганининг ёрқин намунасидир. Мен ҳам анъанага амал қилиб, бир мутахассис сифатида район миқёсида гап юритмоқчиман.

Районимиз бўйича ҳар гектар ердан 34,5 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилиб, давлат қабул пунктларига 52 минг тонна юқори сорт пахта топширилди, халқ хўжалик плани ортиғи билан бажарилди. Азамат механизаторлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар, ялпи ҳосилнинг 60 процентини «зангори кема»ларда теріб бердилар. Теримчилар, фидокор ёрдамчилар ҳам ўзларининг бурчларини садоқат билан ado этдилар.

Районимизнинг катта қисмида ер ости суви юза жойлашган. Бунинг устига боғларда табиий офатлар кўп бўлди. Деярли барча хўжаликларда анчагина майдонларга қайта-қайта чигит экилди. Об-ҳаво ноқулай бўлгани туфайли ғўзанинг ўсиши, ривожланиши кечикди. Пахта теримига ўтган йилдагидан анча кеч киришилди. Шунга қарамай район партия комитети, хўжалик партия ташкилотлари халқимизни улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этди ва кўзланган мақсадга эришувимизни таъминлади. Бизнинг Энгельс номли ва қўшни Карл Маркс номли колхозларда ҳосилдорлик 36—38 центнерни ташкил этди. «Ленинизм» колхози ҳам ҳосилдорликда юқори кўрсаткичга эришди.

Машина терими ҳақида гап борганда «Ўзбекистон», Калинин номли колхозларнинг номи фахр билан тилга олинади. Бу хўжаликларнинг ваъдага вафодор механик-ҳайдовчилари умумий ҳосилнинг 65—70 процентини «пўлат этак»лардан тўкиб, районимиз шароитида пахта теримини янада кўпроқ механизациялаш учун катта резервлар борлигини амалда исбот этдилар.

Районимизда юқори ҳосил усталари сафи анча кенгайди. Уларнинг номларини бирма-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ. Бир-икки мисол келтириш билан кифояланамиз. Энгельс номли колхознинг Зокиржон Сиддиқов бошлиқ бригадаси гектаридан 45 центнердан пахта олди. Машҳур ва кўп тарлиқли «Коммунизм» колхозининг Раҳимжон Маҳсудов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосилдорлики гектар бошига 51 центнерга етказди, тайёрлов пунктига 560 тонна юқори сорт пахта етказиб бериб, рекорд қўйди. Район партия ташкилотлари бу бригадаларнинг иш тажрибасини оммаларнинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқда, шу асосда илғор тажриба мактаби ташкил этилмоқда.

Биз эришилган ютуқларга танқидий кўз билан қарашга, камчиликларнинг қайта такрорланишига йўл қўймаслик чораларини кўришга одатланганмиз. Районимиз бўйича 210 та пахтачилик бригадасидан 152 таси пахта тайёрлаш планларини бажарди. Қолганлари эса қарздор бўлиб қолди. Район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари бунинг сабабларини ўрганиб, аҳволни яхшилашга қаратилган тадбирлар кўраётир.

Фарғона области она-Ватанга 590 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиб, юксак социалистик мажбуриятини шараф билан ado этган шодиёна дамларда ташаббускор қувалик чорвадорлар 1981 йил учун белгиланган гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш ҳамда давлатга сотиш планларини барча турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича анча ошириб бажарганликларини қувонч билан айтиб ўтамиз.

Барча хўжаликлар чорва қишловига пухта тараддуд билан киришди. Маккажўхори, беда ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олиниши туфайли чорва моллари озуқа базаси мустаҳкамланди. Чорва бинолари эса куз фаслидаёқ ремонтдан чиқариб қўйилган эди. Чорвадорларимиз маҳсулот етиштиришни барча турлари бўйича 20—25 процент, айрим йиллари бўйича эса 30 процентгача кўпайтиришга эришмоқдалар. Моллардан наслсиз олиш, маҳсулотдорликни оширишда айниқса яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Район матлубот жамиятининг ёрдамчи чорвачилик хўжалиги коллективи барча савдо ташкилотларига ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

1982 йил юқори ҳосилига тайёргарлик ишлари бутун чоралар билан қучайтирилянти. Эртаги ва ўртаги қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган ерлар сифатли шудгорланиб қўйилганига анча бўлди. Шу кунга қадар 13 минг гектар пахта майдони минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан ўғитланиб, чуқур шудгорланяпти. Хўжаликларда ташкил қилинган маҳсус бригадаларнинг аъзолари далаларга органик ўғитлар ташиб чиқариши кучайтирянти. Ирригация-мелиорация тармоқлари тартибга келтирилянти. Зовурлар чуқур қазилиб, сизот сув пасайтирилянти. Шўр ювиш, яхоб беришни кучайтириш чоралари кўрилянти.

Қувалиқлар қиш фасли — иш фасли эканини яхши биладилар. 1981 йилни муваффақиятли якунлаяптилар, келаси йил истиқбол режаларини белгилаяптилар. Йўл қўйилган нуқсонларни таҳлилдан ўтказиб, ютуқларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чораларини кўряптилар. Район партия комитети раҳбарлигида 1982 йилни янада улкан ғалабалар йилига айлантириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Э. ҲАСАБОВ,
Қува районидаги Энгельс номли колхозининг бош агрономи.

ПАХТАКОРЛИК—ИЖОДКОРЛИК

Пахтачиликда енгил йўл йўқ. Ким енгил йўлни, осон томонни қидирса доғда қолаверади. Ёз офтобидан қочмай қатиқроқ жон қойитсанг, кузда чиранишга ҳожат қолмайди. Соддароқ қилиб айтганда, ҳосил қозонда бўлгач, чўмичга чиқаверади. Бу оддий ҳақиқатни фарғоналик пахтакорларнинг ҳаммаси билади ва жуда кўпчилиги шунга амал қилади.

Бундан ташқари изланиш, ўрганиш, синаш, қўллаш деган сўзлар ҳам пахтакор меҳнатига нисбат бўлиб қолди. Хўжалик раҳбарлари қўйинг-у, бригадир, колхозчи ёки оддий механизатордан олимона фикр чиқса ҳайратланмаса бўлаверади. Чунки улар ҳам ижод қилишади. Ижод қилиш учун эса қаттиқ меҳнатдан ташқари — изланиш, ўрганиш, синаш ва қўллаш деган босқичлардан ўтишади. Фарғоналикларнинг кўпчилиги ана шу босқичлардан ўтишяпти.

— Биз учун ҳар бир йил синов, — дейди Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз раиси Мирзаахмад Деҳқонов. — Сабаби, уруғлик пахта етиштирамиз. Биринчи ўзимиз синаб, танлаб, маъқул топиб, кейин бошқаларга тавсия қиламиз. Бунинг учун, аввало, уруғнинг афзаллигини ўзимиз кўрсатишимиз, кўрсатганда ҳам ҳалоллик билан, борини кўрсатишимиз керак.

Раиснинг бу сўзлари шунчаки ибора эмас, масъулият ифодаси! Бу масъулиятни хўжалик раҳбарларидан тортиб ҳар бир бригадир, ҳар бир колхозчигача чуқур ҳис қилади. Ахир,мураккаб вазиятда ҳам ҳар йили ҳосилдорликни 40 центнердан камайтирмай пешқадам бўлиб юриш осон эмас-да. Бугун республикамиз бепоён пахта пайкалларига ёйилиб кетган қатор навларнинг ўўргакланиб, тетапоя бўлган жойи мана шу хўжалик —Энгельс номли колхоз. «Тошкент-1» ҳам, иккинчи ҳам, қолганлари ҳам ана шу колхоздан парвоз олганди. Янги уруғни экишнинг ўзигина бўлавермайди. Унинг ўзига хос талаб-эҳтиёжи, мутахассислар тили билан айтганда, агротехникаси бўлади. Айтайлик, Тошкент навининг дастлабкиси сувга унча хуши йўқроқ эди. Олтинчиси эса сувхўр. Баъзилари серкўчат бўлиб мўл ҳосил берса, бошқасининг эса сийракроғи дуруст. Бу навларнинг ҳар бири болага ўхшайди. Ҳар бирининг қилиғи бошқача.

Колхоз мутахассислари, колхозчилар навларнинг хусусияти билан ҳисоблашиб, йил сайин мўл ҳосил олиб келяптилар. Ўтган беш йиллик йирик одим билан якунланган эди.

Фарғона областининг бугунги мажбурият хирмонига эса энгельсликларнинг 7 минг тоннадан ортиқроқ пахтаси тўкилди. Ҳосилдорлик бўлса яна 40 центнердан ортиб кетди.

План ҳам, социалистик мажбурият ҳам бажарилди. Бу бир калима сўз. Лекин шу сўзни енгил тортиб, ҳордиқдан чиқиб айтиш учун қанча машаққатни енгиб, оғир йўлни босиб ўтиш керак.

Шу йилнинг 13 апрель куни бўлиб ўтган қаттиқ ёғингарчилик энгельсликларнинг ҳам ёдида. Мутахассисларнинг фикрича, ўша кунги ёмғир бутун бир ойлик ёғингарчилик ҳиссасига тўғри келар экан. Табиийки, бу экинларга қаттиқ зарар етказди. Ўша кунга қадар колхознинг тўртдан уч қисм ерларига чигит экилган, унинг қарийб ярми униб ҳам чиққан эди.

Район, колхоз раҳбарлари, мутахассислари кенгашиб, ҳар бир пайкални кўздан кечириб чиқишга, лозим бўлган карталарга қайта чигит экишга қарор қилишди. Улар ишни экишни тўла тугаллаган Маҳбуба Насриддинова бригадасидан бошламоқчи бўлишди. Эртасига тонг саҳарлаб келган район раҳбарлари Маҳбубани дала шийпонида мудраб ўтирган ҳолда кўришди. Машина эшигининг қарсиллаб ёпилишидан ўзига келган бригадир ҳижолат тортиб:

— Туни билан қатқалоқ юмшатгандик, — деди тутилиб. — Шундан кўзим кетиб... кечирасизлар.

Маҳбубанинг киртайган кўзлари, униққан юзига тикилиб қолган райком секретари ҳайратини яширолмади.

— Тонггача-я, — деди шип-шийдам бўлиб қолган ер бетларига яна бир ташлаб.

Маҳбуба ўзимни оқлайман деб, мақтаниб қўйганини эслади.

— Бошқа бригадаларда ҳам шунақа қилишгандир, — деди аянаям хижолатдан юзига қизил югуриб Маҳбуба..,

Пахтакорлар тонгдан шомгача, зарур бўлганда эса шомдан тонггача ана шундай меҳнат қилишди.

Улар бундай табиат инжиқликларини яна неча-неча бор кўришди. Неча-неча бор тонгни шомга, шомни эса яна тонгга улашди. Булар фавқулодда фидокорлик эмас, аксинча, таҳлил эҳтиёж, пахтакорларнинг машаққатли меҳнати эди. Машаққатли меҳнатнинг натижаси эса шарафли бўлади.

Маҳбуба Насриддинованинг суяги ҳам шундай меҳнат билан қотган. Уни икки марта Ленин орденига, республикада хизмат кўрсатган механизатор унвонига сазовор қилган ҳам шу шарафли меҳнат. СССР Олий Советининг депутати Маҳбуба Насриддинова етакчилик қилаётган бригада коллективи Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги кунигача ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил олди. Бу ҳам ўша машаққатли кунларнинг шарафи эмасми!?

Колхозда Турсунали Турғунов, Маъмуржон Турсунов, район партия комитетининг бюро аъзоси Дўлтабой Турғунов, Ҳасанбой Ҳайдаров, Абдуллахўжа Жўрахўжаев каби коммунистлар етакчилик қилаётган ўндан зиёд бригадаларда 45—50 центнердан ҳосил олишгани ҳам ўша машаққатли, лекин шарафли меҳнатнинг самараси. Колхознинг энг катта ютуғи ҳам худди мана шунда.

Энг қувонарлиси шундаки, Фарғонада бундай хўжаликлар кўпайиб бормоқда.

О. ҲАКИМОВ,
С. ОДИЛОВ.

Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхознинг Маматали Маматқулов бригадаси 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центкердан хирмон кўтарди.

Суратда: бригада бошлиғи М. Маматқулов (чапда) механизатор С. Маҳкамов билан.

Ғ. Қосимов фотолари.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деб бежиз айтилмаган. Кузда минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантирилиб, икки ярусли плугларда 35—40 сантиметр чуқурликда шудгорланган майдонларнинг ҳосилдорлиги ортади. Қиш фаслида шўр ювилса, яхоб берилса янада яхши натижага эришиладй.

Биз бригадамизга қарашли пахта майдонларини ҳар йили кузда, юқорида тилга олинган шартларга амал қилиб шудгорлаймиз. Ундан ташқари ҳар гектар майдонга белгиланган миқдорда азот, фосфор ва калий ўғитлари соламиз. Айниқса органик ўғитлар билан озиқлантиришга алоҳида эътибор берамиз.

Натижада ҳосилдорлик йилдан-йилга шудгорилянти, пахта йиғим-терими қисқа фурсатларда сифатли ўтказилянти. Масалан, бу йил бригадамиз бўйича 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтардик.

Эндиги муҳим вазифа қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашдан иборат. Кузда анъанага амал қилиб, пахтазорларимизни тўла шудгорлаб бўлдик. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, агротехниканинг қишки тадбирларини амалга оширишга киришдик.

Қ. ОРТИҚОВ,
Фрунзе районидаги К. Маркс номли колхоз бригада бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати.

НАФОСАТ ГУЛДАСТАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА ДАВЛАТ ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИ ФОНДИДАН ТАШКИЛ ТОПГАН МАХСУС КЎРГАЗМА ОЧИЛАДИ

Кўргазма музейимиз тарихида муҳим сана — галерея ташкил топган кунининг 125 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келди.

Тошкент кўргазмасига ҳозирлик кўрилар экан, Давлат Третьяков галереяси томошабинлар музейда сақланаётган тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъатининг ранг-баранг коллекцияси ҳақида тўлароқ тушунча олишига алоҳида эътибор берди. Биз Улуғ Октябргача бўлган тасвирий ва ҳайкалтарошлик санъатимиз тараққиёти йўлини белгилаган ижодкорларнинг асарларидан ташкил топган намуналарни кўргазмага қўйишга ҳаракат қилдик. Ўзбекистонлик томошабинларни шуҳрати оламга машҳур музей экспозициясида доимий сақланадиган энг яхши ва характерли, жумладан, кейинги йилларда музейга келтирилган асарлар билан таништиришни назарда тутдик. Бу асарларнинг кўпи рус санъати юксак ютуқларини мамлакатимиз ва чет эллардаги турли йирик кўргазмаларда намойиш этилган.

Тошкентдаги кўргазмага қўйилган 55 асар орасида М. Врубелнинг «Пайғамбар», К. Петров-Водкининг «Қизил отнинг чўмилиши», В. Серовнинг «И. Остроуховнинг портрети», К. Юоннинг «Қишлоқда байрам», А. Лентуловнинг «Москва», А. Куприннинг натюрмортлари ва бошқа кўплаб рассомларнинг асарлари бор. XIX аср охири—XX аср бошидаги ҳайкалтарошлик санъатининг гуллаб-яшнаши С. Коненков, А. Голубкина, П. Трубецкий, Н. Андреев ва бошқа буюк истеъдодларнинг номи билан боғлиқ.

Кўргазма ўша давр санъатининг эволюцияси босқичлари ва айрим жанрларнинг ўзига хос тараққиёт йўли ҳақида томошабинларга бой тушунча беради. Шунингдек, XIX аср охири — XX аср бошларида ижод қилган новатор рассомлар яратган асарларда рус ва жаҳон санъати анъаналари нақадар кенг қамровли эканлигини кўрсатади.

Ижодкор ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидан, халқ турмушида юз бераётган ўзгаришлардан четда туролмайди. Унинг асарларида замон нафаси, халқ орзу-истаклари, мақсад ва қураши акс этиши табиий. XIX аср охири — XX аср бошлари санъаткорлари асарларида ҳам шу руҳни яққол кўрамиз. Кўтарилиб келаётган революцион ҳаракат, даврнинг мураккаб маънавий зиддиятлари янги йўналишдаги бадиий тараққиётга таъсир кўрсатмай қолмади. Ўша давр асарларига фақат янгича маъно синга борди. Сунъийлик ва маънавий қашшоқлик ўрнини инсоний ғўзаллик қонуни асосидаги ҳаётий ўзгаришлар, меҳнаткаш инсон турмуши эгаллай бошлади. Ана шунинг ўзи XIX аср охири — XX аср бошлари санъаткорларининг халқ билан бирга нафас олганлиги, маънавий жиҳатдан камолот сари интилганлиги, ҳаётий ўзгаришларни ўз асарларида акс эттиришга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

Кўргазмага қўйилган асарларда санъаткорлар халқ ҳаётини ишончли тарзда кўрсатишга интилганликлари, бунинг учун ранг-баранг бўёқлардан усталик билан фойдаланганликлари, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликнинг портрет жанридан самарали фойдаланганликлари яққол кўринади. Айниқса, рус пейзаж санъати равнақ топди. Жонажон мамлакатимизнинг табиати ва архитектура ёдгорликлари бутун борлиғи билан бўёқларда ўз аксини топган ана шу асарларни ҳаяжон билан кузатган томошабин халқимиз нақадар истеъдодли эканлигига, XIX аср охири — XX аср бошларида санъати тараққиёт чўққисига кўтарилганлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Санъатимизнинг ноёб ёдгорликлари бўлган бу асарлардан бизнинг замондошларимиз — совет рассомлари кўп нарса ўрганишлари мумкин. Ўша даврнинг энг яхши асарлари бизнинг маданиятимиз ва тарихимизнинг ноёб мероси ҳисобланади. Совет ҳокимияти йилларида бу мерос миллионлаб кишиларнинг маънавий мулкига айланди. Улар ўзининг чиройи, тасвирга бойлиги, ҳаётийлиги билан кишиларга илҳом бахш этади, қалбини ҳаяжонга солади. Бир пайтлар ана шу галерея асосчиси П. М. Третьяков аждодларимиз яратган бебаҳо бойлик халқнинг маънавий мулкига айланишини орзу қилганди.

Асарлари Тошкент кўргазмасига қўйилган рассом ва ҳайкалтарошларнинг кўплари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин янги жамият бадиий маданиятининг қарор топишида актив қатнашдилар. Улар совет маданиятига камол топган, тажрибали санъаткор сифатида кириб келдилар ва ўз ижодлари ҳамда педагогик фаолиятлари билан социалистик реализм тараққиётига актив кўмаклашдилар.

Давлат Третьяков галереяси фондидан ташкил этилган кўргазма Ўзбекистон жамоатчилиги ва санъат ихлосмандларининг эътиборини қозонишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этиладиган бу ноёб асарлар мамлакатимиз халқлари маданиятининг янада равнақ топишига ўзига хос ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ю. КОРОЛЕВ,
РСФСР халқ рассоми,
Давлат Третьяков галереясининг директори.

Янгийўл пахта тозалаш заводининг уруғчилик лабораторияси коллективи уруғликни таклаш ҳамда 1982 йилда экиш учун тавсия қилиш ишларини муваффақиятли давом эттирмоқда. Суратда: лаборантлардан Н. Шалина билан Э. Салимова.

В. Сироткин фотоси.

САНЪАТ ОЛАМИДА:

«НУРХОН» СПЕКТАКЛИ СУРХОНДАРЁ САҲНАСИДА

М. Уйғур номидаги Сурхондарё область музикали драма театри К. Яшин пьесаси асосида саҳкалаштирилган «Нурхон» спектакли премьерасини кўрсатди. Ижодий коллектив ана шу машҳур асарга учинчи марта мурожаат қилмоқда. Бироқ бу йилги постановка театр учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки, саҳна усталари бу постановкада ижодий эстафетани ёшларга топширдилар. Чунончи, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳадича Бобохонова ва республикада хизмат кўрсатган артист Ҳасан Муҳиддинов ролларини ҳозир ҳам афишаларда кўриш мумкин. Лекин энди уларнинг қизлари — Гулнора Равшанова бош ролни ўйнамоқда. Реакцион тузумга дадил қарши чиққан ёш актриса образини яратган Гулнораки томошабинлар қизғин кутиб олдилар.

Спектаклда ёш артистлар билан бирга ана шу пьесанинг дастлабки постановкаларида ўйнаган санъаткорлар ҳам қатнашдилар.

ФАН ОЛАМИДА

ЛАЗЕР ҲОСИЛ ХИЗМАТИДА.

Панфилов районининг маккажўхорикорлари қўшимча ўғитсиз ялпи дон ҳосилини қариб 5 минг тонна кўпайтирдилар. С. М. Киров номидаги Қозоғистон давлат университетининг биофизиклари шунга эришишга ёрдам бердилар. Уларнинг тавсияларига кўра, кўпгина хўжаликларда экиш олдидан уруғликка лазер нури таъсир эттирилди.

Лазер установкаси қизил нурининг қуввати оддий электр лампочкасидан бир неча баравар кам. Аммо бу қимматли экиннинг ўсиш энергиясига таъсир кучи ҳақиқатда сезилидир. Нур таъсир эттирилган уруғлар контрол уруғларга нисбатан қийғос униб чиқди, илдиз системаси тезроқ ривожланди, сўталари ҳам бўлиқ бўлди.

Маккажўхори донига лазер нурини таъсир эттириш нафли иш бўлиб чиқди. Масалан, Толдиқўрғон областидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Уч орол» ва Киров номли колхозлар нурлантириш ҳаражатларини чиқазиб ташлаганда ҳам ўн мингдай сўмлик соф фойда олди. Ҳосил барвақт етилганлиги, экин касаллик ва зараркунандаларга чидамлироқ бўлганлигининг кўп афзалликлари бор.

Қўриқ ер галлақорлари, Или ўрта Олатоғи этакларининг сабзавоткорлари, Жанубий Балхаш бўйининг шоликорлари ҳам олмоталик биофизикларнинг бу янгиликларига тегишли баҳо бердилар. Кўпгина колхоз ва совхозларда ялпи ҳосилдорлик ошди, унинг сифати яхшиланди.

Янги метод оммалашиб бормоқда. Қозоғистон, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа республикалардаги юзлаб хўжаликлар лазерларни амалда жорий этиш истагини билдирдилар. Қозоғистонлик олимлар илғор совхоз ва колхозлар билан ҳамкорликда хўжаликлар учун лазерлар ёрдамида экишдан олдин уруғликка ишлов берадиган юзга яқин мутахассисни тайёрладилар. С. М.Киров номли Қозоғистон давлат университетининг тажриба экспериментал заводи, Қозоғистондаги бошқа корхоналар шундай ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. (ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

БОЛГАРИЯ ТЎҚИМАЧИЛАРИГА

Нишон пахта тозалаш заводи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар Иттифоқимиздан ташқари социалистик мамлакат тўқимачиларига ҳам юборилмоқда. Яқинда корхона ишчилари 200 тонна юқори сифатли толасини қардош Болгария тўқимачиларига жўнатдилар.

СУНЪИЙ ТОЛАДАН ГИЛАМ

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифатини яхшилаш билан бирга унинг турларини ҳам кўпайтирмоқда. Фабрикада ярим механизациялашган цехда сунъий толадан гилам ишлаб чиқаришга киришилди. Корхонани бу ҳом ашё билан Олмалиқ гилам комбинати таъминламоқда.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

Қўшқўпир район маиший хизмат комбинатида янги цех очилди. Энди бу ерда полос тўқиш, кийим-кечак тикишдан ташқари кўрпачага ҳам буюртма олишяпти. Бу янгилик харидоргир бўлишидан ташқари корхонанинг ўзига ҳам наф келтирмоқда. Чунки кўрпачалар сатин, шойи, духоба лахтакларидан тикилмоқда.

Қўшқўпирлик маиший хизматчилар шу йил яна уч хил хизматни жорий этдилар. Комбинатда кирхона ишга туширилди. Унда учта кучли кир ювиш машиналари монтаж қилинган. Химиявий тозалаш пункти ҳам очилди.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Ғулистон нон заводида тешик кулча пишириш ўзлаштирилди. Дастлабки маҳсулот шаҳардаги мактаб буфетлари ва болалар боғчаларига юборилди. Янгликни ўзлаштириш учун корхонада янги ускуна монтаж қилинди. Бу корхонанинг қувватини оширибгина қолмай, ишчи кучидан самарали фойдаланишга ҳам имкон берди.

Ҳозир бу ерда «Малютка», «Челночек», «Детский» деган уч хил тешик кулча пиширилмоқда. Уларнинг талабгорлари кўп. Энди ғулистонлик новвойлар саксон хил нон ва булка маҳсулотларини пишириб чиқармоқдалар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ДАСТУРХОНИГА

Янгиер музлатиш комбинатида дудлаш цехи ишга туширилди. Бу ердан шаҳар магазинларига ҳар куни 500 килограмм дудланган балиқ юборилмоқда. Келаси йили цех кунига 2 тонна балиқ дудлаб чиқарадиган бўлади.

КЎЧАТЛАР ҚАРДОШЛАРГА

Наманган ўрмон хўжалигининг кўчатзоридан Бокуга 20 минг туп чинор кўчати юборилди. Уларни тажрибали ўрмончи Камол Шарипов билан унинг ёрдамчиси Амин Эргашев етиштирган. Бу кўчатлар Озарбайжон ССР пойтахтининг хиёбонларига ўтказилиб, уни соя-салкин қилиб туради.

Ҳозир наманганликлар 3 гектарлик кўчатзонада етиштирилган атиргул кўчатларини Бокуга юборишга киришдилар. Қирғизистон пойтахти Фрунзе гулзорларига ҳам гул кўчатлари юборилади.

ҚИЯЛИКЛАРДА БОҒЛАР

Тошкент ўрмон хўжалиги республика Ўрмон хўжалиги министрлигида кузги дарахт ўтказиш топшириғини бошқалардан барвақт бажарди. Пойтахт областининг етти районидаги тоғ қияликларига, сув ҳавзаларининг соҳилларига 160 минг туп кўчат ўтказилди.

Ихтисослаштирилган «Паркент» совхозининг буюртмасига биноан Чотқол ёнбағирларида 60 гектарлик олмазор барпо этилди. Мирали Миргалиев рахбарлигидаги механизациялашган отряд бу ишни қисқа муддат ичида бажариб бўлди.

ШИФО МАСКАНИ

Фориш райони марказида 120 ўринли шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг биринчи қаватида хирургия, терапия, ички касалликлар ва кўз касалликлари кабинетлари жойлашган. Даволаш кабинетлари замонавий медицина аппаратлари билан жиҳозланган.

Шифо масканини 63 механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар.

У. ДОСТОНОВ.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

Ихлосмандлар бригадаси

— Одилжонни қишлоғимизда кўпчилик ишёқмас йигитлардан деб биларди, — дейди И. Асадов. — Бир куни у мени тўхтатиб: «Сиз малакали спортчисиз, қишлоқда спорт ихлосмандларини тўплаб бригада тузмаймизми. Ана шунда бесмалол футбол ҳам ўйнардик, ишни ҳам қойил қилардик» — деб қолди. Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Ишлар билан маслаҳатлашдим...

«Победа» совхозининг спортчилар бригадаси шу тариқа ташкил топди. Унга ўрта мактаб физкультура ўқитувчиси Исмоилжон Асадов бошлиқ қилиб тайинланди. Коллективга аъзо бўлишни хоҳловчилар кўп эди. Улардан фақат 28 нафари саралаб олинди. Бригадада иш қатъий режим асосида олиб бориладиган, меҳнатдан кейин мусобақаларга тайёргарлик кўриладиган бўлди.

Бригада зарур техника ва механизмлар билан таъминланди. Спортчи ёшлар аввалига токзорларни тартибга солишди. Кейин пахта йиғим-теримида ибрат кўрсатишди. Спорт ва меҳнат ҳамдамлиги ёшларга маъқул келди. Улар тетик ва бардам бўлишди, ғайратга ғайрат қўшилди.

Бу йил бригада футболчиларидан иборат команда физкультура коллективларининг область биринчилигида муваффақиятли куч синашди. Уларнинг мақсади область чемпиони бўлиб, республика биринчилигида иштирок этишди. Қишлоқ ёшларининг область биринчилигида иштирок этган кўл тўпи, енгил атлетика ва волейбол командалари 4- ва 5-ўринларни эгаллашди. Бригада аъзоси Мўйдин Бозоров 100 метрга югуриш бўйича республика мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Спортчилар бригадасида бошланган хайрли иш туфайли совхозда спортнинг бошқа турлари ҳам оммавийлашиб боряпти. Шахмат-шашка, миллий кураш, волейбол, стол тенниси каби спорт турлари бўйича 472 киши машғулотларда мунтазам иштирок этмоқда. Жамоатчилик асосида ишлаётган тренерларимиз ёшларга маҳорат сирларини ўргатишмоқда. 26-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси спорт мастери Иқромжон Омонов миллий курашчиларга мураббийлик қилмоқда.

Қишлоқ қизларини ҳам спорт баҳсларига жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Раҳматжон Бойميرзаева, Осиё Нуриддинова, Эътибор Тўхтабоева, Қурбонжон Исмоилова сингари йигирма нафар қиз стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланиб, ўзаро мусобақалашмоқдалар.

Бригадада меҳнат интизоми жуда мустаҳкам. Ҳамма иштиҳақ билан меҳнат қилиб, спорт машғулотларига ҳам фаол иштирок этади. Бригада тузилишига сабабчи бўлган, кўпчилик ишёқмас деб ўйлаган Одилжон Ортиқов ҳозир коллективнинг меҳнатсевар ишчиси, моҳир спортчиси ҳисобланади.

Бу йил совхозда 41 нафар жамоатчи спорт инструктори ва судья, 130 нафар оммавий разрядли, 20 нафар биринчи разрядли спортчи тайёрланди. 170 йигит-қиз ГТО нишондори. Спортнинг оммавийлашиб бориши стадион қуриш муаммосини илгари сурди. Спортчилар бригадаси коллективи ҳашар йўли билан қураётган 5 минг ўринли стадионнинг биринчи навбати битай деб қолди.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қарори бригадамиз спортчилари ўртасида кенг муҳокама қилинди, — дейди Янгиқўрғон районидаги «Победа» совхози спорт инструктори, бригада бошлиғи И. Асадов. — Бу муҳим ҳужжатда илгари сурилган вазифаларни шараф билан адо этиб, спорт билан меҳнатни янада уйғунлаштириш учун қатор тадбирлар белгилаб, ана шу асосда иш олиб боряпмиз. Келгуси йилда спортчи қизлар бригадаси тузишни ҳам режалаштириб қўйдик.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШАХМАТ:

УЧИНЧИ ҒАЛАБА

Фрунзеда кучли шахматчиларнинг мамлакат чемпионлиги учун баҳслари тобора қизитин тус олмоқда. Олий лигачилар сафида биринчи марта куч синашаётган тошкентлик Георгий Аъзамов ҳам дона суришда бўш келмаяпти. Вакилимиз тўққиз учрашув мобайнида москвалик А. Юсупов ва С. Долматов, львовлик А. Беляевский, ворошиловградлик Г. Кузьмин билан ўйинни дуранг қилди. Львовлик А. Михальчишин билан минсклик В. Купрейчиклларга имконият бой берди. Сакиз инчи учрашувда москвалик гроссмейстер Б. Гулькони дорда қолдириб, илк бор ғалаба қилди. Утган чоршанба эса Ўзбекистон чемпиони ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолса керак. Чунки у шу куни мухлису мутахассисларни ҳайратга солиб, қўш ғалабага эришди. Аъзамов краснодарлик Г. Цешковский ва новосибирсклик Г. Тимошченколар билан кечиктирилган учрашувларни ниҳоясига етказишда маҳорат кўрсатиб, муваффақият қозонди. Шундай қилиб, Г. Аъзамов ҳисобидаги очколар бештага етди. Чемпионатда бокулик Г. Каспаров 7 очко билан олдинда бормоқда.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—1982 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент шаҳридаги қурилишлар учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали ишчиларни тайёрлайди: дурадгор-қурувчи, бўёқчи-қурувчи, пардозловчи-кошинловчи-мозаикчи, сувоқчи-пардозловчи-кошинловчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ОЙ.

Билим юртига ўрта маълумотли ёшлар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилган жангчилар қабул қилинадилар.

Ўқиш давомида ойига 75 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида (286-форма), ҳарбий рўйхатда қайд этилганлик гувоҳномаси ёки ҳарбий билети, 6 та фотосурат (3х4 см).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй (64, 65-автобуслар; 2, 6, 7, 14, 1, 4, 8, 18-троллейбуслар; 6, 7, 11, 15, 16-трамвайларнинг «Ҳадра майдони» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ ҚОШИДАГИ
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8 синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: контрол-ўлчов асбоблари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь; ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; юқори вольтли электр узатиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан мукофотланадилар.

Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг белгиланган формада диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига юборилади.

Урта маълумоти бўлганлар ва Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси, электр пайвандловчи, теплотехника ускуналари ремонти бўйича слесарь, электромонтёр.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР ТЎЛГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқувчилар ўқиш даврида 30 сўм стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар белгиланган формада аттестат оладилар.

Билим юртида ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, спорт тўгараклари, бадиий тўгараклар мавжуддир.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади.

Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар-жойдан справка, 3х4 см ҳажмида 3 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе район, ТошГРЭС посёлкаси (152-олой бозори—Қибрай автобуси ва 115-автобуснинг «ТошГРЭС» посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-12, 3-18.

ПАХТА ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ХИМИЯСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кировакан химиявий толалар заводи қошидаги илмий-ишлаб чиқариш лабораториясига ғўзаларни қайта ишлаш технологияси бўйича мудирлар;

целлюлозанинг пахта технологияси илмий-текшириш институти қошидаги илмий-тадқиқот ишларини координациялаш ўрта Осиё илмий-текшириш марказига, тўқимачилик қайта ишлаш чиқариши бўйича — катта илмий ходимлар

Кировакан химиявий толалар заводи қошидаги илмий-ишлаб чиқариш лабораториясига, шакланиш технологияси бўйича ничик илмий ходимлар (2 ўрин).

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек, катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашиши мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 январгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, 170-алоқа бўлими М. Горький проспекти, 1«а»-уй.

●

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
1—10 январь кунлари соат 11 да, 13, 15.00 да

ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ

Мультфильмларнинг қаҳрамонлари Корбобо ҳузурида меҳмонда.

Марказий «Юбилей» спорт зали кассасида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Кассалар ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Справкалар олиш шучун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/XII да Келинлар кўзгоёни, 12/XII да Гурунг, 13/XII да Оқ таклилар (12.00), Гурунг (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/XII да Кулги кечаси, 12/XII да Диларфузга тўйи ошиқ (15.00), Тошкентнинг нозанин маликаси (19.30), 13/XII да Гулсара.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа. Совет цирки усталарининг гастроллари.

●

«ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трестининг
«1-ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

куч установкаларида ишловчи ишчи, номутатчилар, йиғиначилар, подстанциячилар, электрослесарлар, кабелчилар, рангли металлар бўйича электр пайвандчилар ва пайвандчилар, юнчилар, ёрдамчи ишчилар, автокранчилар, шофёрлар ва касбга эга бўлмаган гражданлар (электромонтажчи касбига ўқитиш учун)

КЕРАК

Электромонтаж ишлари Тошкент шаҳри атрофида ва шаҳарнинг ҳамма районларидаги саноат, маданий-маиший, турар-жой қурилишларида ҳамда Тошкент метроси қурилишида бажарилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг Марказий пункти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея 4-фильм 11.05 — Сизга маъзур шеърлар. 11.55 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм 15.50 — Олга, болакайлар. 16.35 — Подмосковье учрашувлари. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.25 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Испания. 17.45 — Қишлоқ кўзгулар қироллиги. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Халқ чолғу оҳанглари. 20.35 — Ҳамма нарсадан азиз. Киноэпопея. 5-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш 23.05 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 17.00 — Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Умумий биология. 12.05 ва 17.30 — Инглиз тили. 12.40 — ва 13.40 — Тарих. 13.10 — Телефильм. 14.10 — Концерт. 15.05 — Киссалар. 15.55 — География. 16.25 — Табиатшунослик. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Фан оламида. 20.15 — Концерт. 20.30 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Светланага посилка. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Биология. 12.00 — Илмий оммабоп телефильм. 12.30 — Биология. 13.00 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 14.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 14.30 — Афсуснадомат. Бадиий фильм. 2-серия. 16.05 — Шоирлар болаларга. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — «Зангори экран» почтаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Чорвачилик-зарбдор фронт. 19.55 — Мушель — композитор, рассом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Б. Ҳамдамов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Эртага премьера.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Реклама. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Немис тили. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Сарой таклиф этади. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.35 — Халқ ансамбллари ижросида концерт. 11.15 — Г. В. Плеханов туғилган кунининг 125 йиллигига. 11.25 — «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 12.10 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка! 13.00 — Чорва қишловининг боришини текширамиз. 14.00 — Қишлоқларимиз жамоли. 19.25 — Ўзбек классик куйларидан — Сурнай ироги ва Мушнидоти. 21.00 — Депутат ва ҳаёт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент – П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 3-82-36; Хоразм — 3-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. С2400. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 286. 4